

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 821.512-133-31

АҲРОРОВА ЛОЛА ИМИНОВНА

ЎЗБЕК ШЕЪРИЙ РОМАНЛАРИНИНГ СПЕЦИФИКАСИ

10.01.08 - Адабиёт назарияси

Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент - 2012

Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Адабиёт назарияси ва адабий алоқалар бўлимида бажарилган.

Илмий раҳбар -

филология фанлари доктори,
профессор **Б.САРИМСОКОВ**

Илмий маслаҳатчи -

филология фанлари номзоди
МЕЛИЕВ Сувон

Расмий оппонентлар:

филология фанлари доктори,
профессор **БОЛТАБОЕВ Ҳамидулла**

филология фанлари номзоди
ҲАМДАМОВ Улуғбек

Етакчи ташкилот –

**Алишер Навоий номидаги Самарқанд
давлат университети**

Диссертация ҳимояси 2012 йил _____ ойининг _____ куни
_____ соат 14.00 да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер
Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Д.015.04.01 рақамли
фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича
Бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-уй.

Автореферат 2012 йил «__» _____ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган
илмий кенгаш котиби
филология фанлари номзоди**

Р.БАРАКАЕВ

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбек адабиётида XX асрнинг 50-йилларида юзага келган насрий жанрнинг янги хили – шеърий роман тасодифий ҳодиса бўлмай, у моҳият ва зарурият билан миллий-бадий тафаккурнинг эҳтиёжи сифатида вужудга келди. Ана шундан буён шеърий роман учинчи минг йиллик ибтидосига қадар муайян ривожланишда бўлди.

Миллий истиқлол мафкураси ҳар бир маънавий-маърифий ва адабий-бадий ҳодисага ўз таъсирини ўтказиб, уларни қайта илмий асосда таҳлил қилишга имконият яратилган ҳозирги даврда ўзбек бадий адабиёти тараққиёт йўлларига, жумладан, ўзбек шеърий романининг шаклланиш омиллари тарихий тадрижи ва бугунги адабий жараёндаги ўрнига ҳолис нигоҳ ташлаш ўзбек адабиётшунослиги олдида турган илмий муаммолардан биридир. Шу нуқтаи назардан ушбу тадқиқот шеърий романларнинг жанр хусусиятлари, ғоявий-бадий мундарижаси, унинг поэтик имкониятларини ўрганиш, бу адабий жанрни ривожлантиришда эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиш масаласига бағишланган.

Ўзбек шеърий романларида узоқ ва яқин ўтмишимизда кечган йирик тарихий воқеалар моҳиятини, улкан тарихий сиймолар ҳаёти ва фаолиятининг ибратли нукталарини бадий талқин қилиш, ёш авлодни бугунги эркин ҳаётимизнинг қадрига етиш, табарруқ ажодлар амалга оширган ибратли ишларни давом эттиришга даъваткорлик руҳи етакчилик қилади. Зеро, юртбошимиз И.А.Каримов: «...миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини тарғиб этиш ва оммалаштириш ёш авлодни, ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак»¹, - деб тўғри таъкидлаганлар. Чунки «Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади»². Ўзбек шеърий романи ҳам жаҳон шеърий романчилигидаги асосий тенденцияларни ўзида жамлашга ҳаракат қилиб, асрлар давомида инсоният бадий хазинасини бойитиб келган Дантенинг «Илоҳий комедия»си, А.С.Пушкиннинг «Евгений Онегин»³ каби асарларида ўз ибтидосини топган бу жанр бадииятига доир хусусиятларни акс эттириш ниятида адабий жараёнга кириб келди. Шу билан бирга, антик адабиётнинг йирик тадқиқотчиларидан бири А.Ф.Лосев шеърий роман ибтидосини Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» асарларида кўрган бўлса, шарқшунос олимлар Н.И.Конрад ва Е.Э.Бертельс Алишер Навоий «Хамса»си таркибига кирган «Садди Искандарий» достони Европадаги роман жанрига қўйиладиган талаблар даражасида эканлигини эътироф этган эдилар⁴. Садди Искандарий» достонида шоир ҳаёлида кечган, реал ҳаётда

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б. 150.

² Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: Ўзбекистон, 2008. – Б.137.

³ Пушкин А.С. Евгений Онегин. Мирзо Кенжабек таржимаси. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1988. -231 б.

⁴ Лосев А.Ф. Гомер. М., Учпедгиз, 1960. - 350 с.; Конрад Н.И. Литература Востока в средние века. – М., 1970; Бертельс Е.Э. Роман об Александре и его главные версии на Востоке. - М-Л.:Акад. наук, 1948. - 188 с.

бўлиши мумкин бўлмаган афсонавий воқеалар ҳам акс этган бўлса ҳам, асар табиатида романга хос эпик тафаккур асосий ўрин эгаллаганлигини кўриш мумкин. Искандарнинг узокни кўра олиш имкониятига эга бўлган «ойнаи жаҳони» ёки сув остини ўрганиш тўғрисидаги фикрлари ҳақида Е.Э.Бертельс: «Навоий даврида фақат орзу қилиш мумкин бўлган бундай техник қурилма бизнинг замонамизда ҳақиқатга айланди»,⁵ - деб тўғри эътироф этган эди. Юқорида қайд этилган барча жиҳатлар ўзбек шеърий романининг ўзига хос хусусиятларини махсус ўрганиш, унинг адабиёт тараққиётидаги ўрнини белгилаш долзарб илмий масалалардан бири эканлигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётшуносликда роман назариясига оид қарашлар XVII асрдан бошлаб вужудга келган. Ўзбек адабиётшунослигида яратилган Мирмуҳсиннинг «Зиёд ва Адиба», Ҳ.Шариповнинг «Бир савол», Муҳаммад Алининг «Бокий дунё» каби шеърий романларининг мавжудлиги адабий факт ҳисобланишига қарамай, уларнинг специфик хусусиятлари ҳозирга қадар махсус тадқиқот объектига айланмаган. Ҳолбуки, шеърий асарларнинг шаклланиши, ғоявий-бадий хусусиятлари, адабий жараёнда тутган ўрни ва бошқа кўпгина жиҳатларини ўрганиш, қолаверса, роман поэтикасини бойитишга хизмат қиладиган тадқиқотлар олиб бориш адабиётшунослик илмидан кутилаётган назарий муаммолардан биридир.

Роман поэтикасига доир бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, улар орасида ўзбек адабиётшуносларининг ҳам ўзбек романи тараққиётига оид тадқиқотлари мавжуд. Гарчи булар реалистик романнинг шаклланиши ва тараққиёти билан боғлиқ бўлса ҳам, бу ишларда роман жанрига тааллуқли назарий қарашлар акс этган бўлиб, улар умумий маънода бизнинг тадқиқотимизга ҳам даҳлдор.⁶

Ўзбек адабиётшунослигидаги илмий-адабий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, ушбу тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланди.

⁵ Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джамии. –М., 1965. – С.169.

⁶ Бахтин М. Эпос и роман (О методологии исследования романа) // М.Бахтин. Литературно-критические статьи. - М.: Художественная литература, 1986. –С.392-427; Бахтин М. Формы времени и хронотопа в романе // Ўша тўплам. – Б.121-190; Бахтин М. Из предистории романного слова // Ўша тўплам. –Б. 353-391; Кожинов В.В. Происхождение романа. - М.: Сов. писатель, 1963. -439 с; Фокс Р. Роман и народ. - М.: Гослитиздат, 1960. -247 с; Днепров В. Черты романа XX века. –Л- М.: Сов. писатель, 1965. -630 с; Затонский Д. Искусство романа и XX век. - М.: Художественная литература, 1973.-535 с; Лейтес Н.С. Роман как художественная система. - Пермь: ПГУ, 1985. -79 с; Мелетинский Е.М. Введение в историческую поэтику эпоса и романа. - М.: Наука, 1986. -318 с; И.Султон. Адабиёт назарияси –Т.: Ўқитувчи, 1986. -406 б; Мирвалиев С. Ўзбек романи (жанр манбалари ва унинг ташкил топиши). -Т.: Фан, 1969. -313 б; Мирвалиев С. Роман ва замон. -Т.: Фан, 1983. -56 б; Умуров Ҳ. Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. - Т.: Фан, 1983. -148 б; Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси: сюжет ва конфликт: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. - Т., 1993-52 б; Самандаров И. Историзм узбекских исторических романов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Т., 1992.-24 б; Бобониёзов А. А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида тасвирий воситалар ва тил бадиияти: Филол. фанлари номзоди. ... дисс. автореф. - Т., 1995. -17 б; Носиров А.Н. Тарихий ҳақиқат ва унинг бадий талкини («Юлдузли тунлар» романи мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. -Т., 1999.–19 б; Исаева Ш. Ўзбек романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. -Т., 2001.-22 б.; Пардаева З.Ж. Истиклол даври ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. - Т., 2003. –298 б.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Адабиёт назарияси ва адабий алоқалар бўлими илмий ишлари режаси асосида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади: шеърий роман спецификасини ўрганиш ва ўзбек шеърий романининг шаклланиши, унинг вужудга келишига сабаб бўлган омиллар, тарихий тадрижи ва бугунги адабий жараёндаги ўрни ҳамда аҳамиятини исботлаш.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда куйидаги вазифалар белгиланди:

- шеърий романга оид назарий қарашларни умумлаштириш ва шеърий романнинг адабий тур ва жанрлар тизимида тутган ўрни ҳақида маълумот бериш;

- ўзбек шеърий романларига хос хусусиятларни белгилаш, мавзулар кўлами, образлар тизими, ғоявий-бадиий хусусиятларини мавжуд асарлар таҳлили орқали ёритиш, уларнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил этиш орқали ижодкорлар бадиий маҳоратига баҳо бериш;

- мавжуд ўзбек шеърий романларининг сюжет ва композицияси ва услубига доир кузатишларни назарий жиҳатдан умумлаштириш;

- ўзбек шеърий романи тақомилига доир илмий нуқтаи назарни шакллантириш, ушбу адабий жанр истиқболлари ҳақида хулосага келиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. XX асрнинг 50-80-йилларида яратилган Мирмуҳсиннинг «Зиёд ва Адиба», Ҳ.Шариповнинг «Бир савол», Муҳаммад Алининг «Боқий дунё» шеърий романлари диссертация объектини ташкил қилади. Тадқиқот предмети сифатида ўзбек шеърий романининг шаклланиши ва тарихий тараққиётига доир назарий қарашлар белгиланди.

Тадқиқот методлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг истиқлол мафкураси, миллий ғоя ва маданий қадриятлар ҳақидаги қарашлари тадқиқотнинг методологик асосларини ташкил қилади. Шунингдек, жаҳон ва рус адабиётшунослари И.В.Гёте, В.Г.Белинский, М.Ю.Лотман, М.Бахтин, В.Днепров, В.В.Кожин, С.Бонди, ўзбек романчилиги муаммолари билан бевосита шуғулланган И.Султон, М.Қўшжонов, С.Мирвалиев, Л.Қаюмов, С.Мамажонов, У.Норматов, Н.Каримов, Б.Назаров, Ҳ.Болтабоев, Ҳ.Умуров каби адабиётшуносларнинг назарий фикр-мулоҳазалари тадқиқотнинг методологик асосини белгилашга ёрдам беради. Ишда асосан қиёсий-тарихий методдан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Ўзбек адабиётида яратилган шеърий романларни уларнинг мавзу доираси, муаммолари, қаҳрамонларнинг бадиий-эстетик дунёқараши, замонавий миллий истиқлол мафкурасига мослиги нуқтаи назаридан ўрганиш орқали бу адабий жанрнинг мустақиллик даври адабиёти тарихида тутган ўрни ва истиқболлини белгилаш имконини беради.

2. Ўзбек шеърӣй романларининг генезиси, шаклланиши ва тарихий тараққиётига доир назарий қарашлар умумлаштирилди ва шеърӣй роман поэтикасига доир назарий хулосалар баён қилинди.

3. Мирмуҳсиннинг «Зиёд ва Адиба», Ҳ.Шариповнинг «Бир савол», Муҳаммад Алининг «Боқий дунё» шеърӣй романлари жаҳон адабиётдаги бу жанр талабларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилди.

4. Ўзбек шеърӣй романига хос хусусиятлар реалистик романчиликдаги эпик ва лирик талқин уйғунлигида кўзга ташланиши илмий жиҳатдан асосланди.

5. Ўзбек шеърӣй романларининг ютуқ ва камчиликлари, қаҳрамонлар концепцияси, жаҳон адабий анъаналарини давом эттиришга интилган адибларнинг янги ижодий имкониятлар кўлами очиб берилди.

6. Шеърӣй романларнинг ўзбек адабиётдаги ўрни тарихий-адабий жараён билан алоқадорликда ўрганилганлиги, келгусида мавжуд жанр тараққиётига хизмат қиладиган муҳим назарий хулосалар чиқариш имконини берди.

7. Ўзбек шеърӣй романлари билан жаҳон адабиётда шу жанрда яратилган асарлар қиёсланди ва бу жанрнинг миллий романчиликдаги ўрни белгиланди.

Ишнинг илмий янгилиги. Ўзбек шеърӣй романлари шу вақтга қадар илмий тадқиқот объекти бўлмаганлиги сабабли, XX асрда яратилган ўзбек шеърӣй романлари монографик планда ўрганилди. Шунингдек, ишнинг илмий янгилиги қуйидаги ҳолларда кўринади:

- XX асрнинг 50-йилларида юзага келган Мирмуҳсиннинг «Зиёд ва Адиба» асари орқали илк ўзбек реалистик шеърӣй романининг юзага келиши билан боғлиқ бўлган омиллар нималардан иборат эканлиги борасида таҳлилий хулосалар чиқарилди;

- шеърӣй роман адабиётнинг мустақил жанри эмас, балки роман жанрининг алоҳида бир шакли эканлиги илмий жиҳатдан асослаб берилди;

- ўзбек шеърӣй романларининг ҳар бир намунаси муайян тарихий даврнинг ғоявий-эстетик талаб ва эҳтиёжлари туфайли юзага келганлиги, уларнинг ўзига хос ютуқ ҳамда камчиликлари бўйича таҳлилий хулосалар чиқарилди;

- ўзбек шеърӣй романининг мавзулар кўлами, образлар тизими ва поэтик хусусиятлари ёритилиб, шеърӣй романнинг такомиллашувига таъсир кўрсатган омиллар белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Янги вужудга келган адабий ҳодисанинг хусусиятлари, миллий адабиёт раўнақида тутган ўрнини белгилаш адабиётшуносликда ҳамма вақт катта илмий-назарий аҳамият касб этиб келган. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, ўзбек шеърӣй романларини ўрганиш, бу жанрга қўл урган адиблар ижодини илмий жиҳатдан баҳолаш долзарб мавзуга айланди. Чунки реал воқеликни акс эттиришда ижодкорлар учун янги имконият қирраларининг вужудга келиши билан боғлиқ муаммоларнинг ҳам мавжудлигини аниқлаш мумкин. Бу эса адабиёт назарияси, хусусан, шеърӣй роман сингари мураккаб адабий жанр

ривожиди масалалари бўйича ушбу тадқиқотнинг муайян назарий аҳамиятга эга эканлигини билдиради.

Тадқиқот ва унинг хулосаларидан олий ўқув юртларининг ўзбек филологияси таълими йўналишида “Янги ўзбек адабиёти”, “Адабиёт назарияси” фанларидан маърузалар ўқиш, илмий-амалий машғулотлар ўтказиш, махсус курслар олиб бориш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш каби мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Ўзбек реалистик шеърий романларининг ўзига хос хусусиятлари, тарихий тараққиёти ва истиқболи масалалари тадқиқот муаллифининг академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларига таълим бериш жараёнида амалиётга жорий қилинди.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий кенгаши ҳамда ушбу илмий муассаса ҳузурида ташкил этилган адабиётшунослик бўйича илмий ишларни Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида тасдиқланиб, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 2002 йил 6-сонида эълон қилинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Адабиёт назарияси ва адабий алоқалар, Ҳозирги адабий жараён, XX аср адабиёти бўлимлари қўшма йиғилишида ҳамда ушбу институт ҳузуридаги Д.015.04.01 рақамли фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар йиғилишида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни «Ўзбек тили ва адабиёти», «Ёшлик», «Тил ва адабиёт таълими», «Бошланғич таълим», «Гулистон» каби журналлар ва илмий тўпламларда chop этилган 12 та илмий мақолада, жумладан, Туркиянинг Guncel sanat (2010, –№ 3) хориж журналидаги бир мақолада акс этган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти фаслни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 140 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва унинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, мақсад ва вазифалари, тадқиқот методи ва методологик асослари, назарий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорийланиши, тадқиқотнинг объекти, илмий жамоатчилик эътиборидан ўтиши, тузилиши ҳақида умумий маълумот берилди.

Тадқиқотнинг биринчи боби «**Роман жанрининг янги шакли**» деб номланган бўлиб, у «**Шеърий роман спецификаси**» ҳамда «**Зиёд ва Адиба**» шеърий романида эпик воқелик ва лирик талқин» сарлавҳали икки фаслдан иборат.

Мазкур бобда шеърий романнинг жанр хусусиятлари ўрганилиб, унда роман жанрига хос етакчи хусусиятлар: воқеаларнинг динамик тарзда ривожланиши, романга хос эпик тафаккурнинг акс этиши, жамият ва инсон ҳаётидаги улкан ўзгаришлар ва жамият ҳаётидаги туб бурилишларни кенг эпик қамровда акс эттириш, “аниқ поэтик тизимга эга бўлган субъектив эпос”⁷ каби жиҳатлари белгиланди. Бу хусусиятлар роман жанрининг алоҳида хили - шеърий шаклдаги романга ҳам тўлиқ тааллуқли экани асосланди.

Маълумки, шеърий романнинг асосий ўзига хос жиҳати унинг шеърий шаклга эга эканлигидир. Шеърий шакл эса жанрнинг фақат ташқи кўринишини эмас, балки шеърий романга хос етакчи хусусиятини ҳам белгилайди. Чунки шеърий услуб сўзнинг эстетик фаоллигини оширади. Айни пайтда шеърий шакл унинг таркибидаги сўзнинг эркинлигини ҳам маълум даражада чегаралайди. Чунки шеъриятда фикр тез ва ёрқин ифодаланади, насрий романдаги маиший тавсифийлик ўрнини лирик кечинма ёки чекиниш олади. Бундан ташқари, шеърий романда тасвир, ифода ва кечинма оқими насрий романдагига қараганда кучлироқ тасвирланади. Насрий романда объектив талқин устунлик қилиб, субъектив талқин кўмакчи вазифаларни ўтаса, шеърий романда субъектив талқин етакчилик қилиб, объектив талқин ёрдамчилик вазифасини адо этади. Бироқ бу нарсаси шеърий роман табиатини тўлиқ очиб берувчи қонуният эмас. Баъзан шеърий романда муаллифнинг индивидуал табиати, тасвирланаётган эпик воқелик кўлами таъсирида объектив талқин устун келганлигини ҳам кўриш мумкин.

Шеърий романга хос етакчи хусусиятлардан яна бири шунда кўзга ташланадики, бунда образ икки планда тасвирланади, яъни баёнчига ўз таъсирини ўтказадиган қаҳрамон хатти-ҳаракати ва кечинмалари параллел берилади, сюжетлилик ва унда баёнчининг етакчи роли алоҳида сезилиб туради. Демак, шеърий романда баёнчи тасвирланаётган воқеаларга бевосита аралашиб туради.

Ўзбек шеърий романлари бўйича олиб борган кузатишларимиз шуни кўрсатадики, шеърий романнинг имкониятлари насрий романга нисбатан тор ва чекланган. Шу боис, А.Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърий романидан сўнг рус ва қардош халқлар адабиётида ўндан зиёд шеърий романлар ёзилган бўлса-да⁸, роман жанрининг ушбу шакли кенг китобхонлар орасида деярли шуҳрат топмади. Чунки шеърий романда кўп тарихий материални ўзлаштириш ва уларни аниқ мақсадга йўналтириш ҳамда катта бадиий мазмун ва тафаккурни чекланган шеърий сатрларда ифода этиш жуда оғир вазифадир. Шеърий роман яратиш учун ижодкор бир пайтнинг ўзида кенг эпик қамровга эга бўлган носир ҳамда шеърият қонуниятларини, воқеликни поэтик тарзда идрок эта олувчи, тўлақонли, яъни бадиий тасвирлаш малакасини эгаллаган шоир сифатида адабий майдонга чиқмоғи зарур. Бундай хусусият барча ижодкорларда ҳам учрайвермайди. Бу ҳол эса

⁷ Лейтес Н.С. Роман как художественная система.- Пермь: ПГУ, 1985.

⁸ Кожевникова В.М., Николаева П.А. Литературный энциклопедический словарь. - М.: Советская энциклопедия, 1987.- С-333

жаҳон адабиётида шеърий роман жанридаги асарларнинг кам яратилганлигига олиб келган.

Пушкингача мавжуд шеърий асарларга нисбатан «катта эпик поэма», «эпик поэма», «поэма» терминлари қўлланилган бўлса, ўзбек адабиётидаги шеърий эпик асарларга нисбатан «достон», янги лирик-эпик асарларга асосан «поэма» термини синоним сифатида ишлатилиб келинмоқда. Баъзи манбаларда поэмани «шеърий роман», шеърий романларни «достон», «поэма» деб чалкаштириб талқин этиш ҳоллари ҳам учрайди⁹.

Бизга маълумки, шеърий романда поэмага нисбатан сюжетнинг кенг камровлилиги ўзига хосликни кўрсатса, бугунгача мавжуд барча шеърий романларда катта ҳаётий камровнинг акс эттирилганини учратиш мумкин. Поэмада бу ҳолат бироз торроқ. Агар шеърий романда: а) поэмага нисбатан воқеликнинг кенгроқ камраб олиниши; б) персонажлар ўртасидаги ранг-баранг муносабатларнинг акс эттирилиши; в) улар яшаётган вазият ҳамда муҳит тафсилотларининг кенг қайд этилиши; г) бош қаҳрамон характери поэмадагига нисбатан кенгроқ очиб берилиши; д) муаллиф образи, муаллиф характери ва биографиясининг айрим қирралари акс эттирилиши назарда тутилса, поэмада бундай хусусиятлар кўзга ташланмайди.

Поэма ва роман жанрларининг бадий услубига, шаклига катта таъсир кўрсатган «Евгений Онегин» асаридаги бош қаҳрамон - Евгенийнинг болалигидан то умрининг охиригача бўлган давр тилга олинади. Худди шундай ҳолатни ўзбек адабиётидаги шеърий романларда ҳам кўриш мумкин.

Демак, шеърий роман - шеъриятнинг ўзига хос жанрида яратилган асар (лиро-эпик асарларнинг бир кўриниши) бўлиб, у романга хос воқелик (воқеанавислик, ҳикоя қилиб бериш), кўп планлилик ва субъектив лирик бошлангани ўзида бирлаштиради, насрий романга нисбатан муаллиф сўзи ва иштироки шартли равишда ифодаланади, ундаги характерлар умумлаштирилган, воқеалар тасвири кўпроқ лирик чекинишлар билан олиб борилган бўлади.

Шеърий романнинг яна бир ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, баъзида қаҳрамонлар билан бир қаторда муаллиф воқеаларга фаол аралашishi мумкин. У поэма ижодкоридан фарқли ўлароқ, шеърий роман жанри имкониятларидан кенг ва ўринли фойдалана олиш имкониятига эга. Шу боис поэмани шеърий романдан фарқлаш жуда осон.

Шеърий роман ҳақидаги дастлабки қарашлар А.С.Пушкиннинг «Евгений Онегин» асари эълон қилина бошлаган пайтлардаёқ матбуотда пайдо бўлган. Бироқ, ўзбек адабиётшунослигида шеърий романлар ҳозирга қадар деярли ўрганилмади. Ҳатто Ўзбекистон олий ўқув даргоҳлари учун яратилган «Адабиёт назарияси», «Адабиётшуносликка кириш» сингари

⁹ Кожевникова В.М., Николаева П.А. Литературный энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1987. – С. 294-333; Файзи Шоҳисмоил. Бош сўзи // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2009. – 2-сон. – Б. 94-147; Қамбарова Д. Ўрта Осиё А.С.Пушкин наздида // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2009. – 6-сон. – Б.171; Мелиев Қ. Шеърий роман жанрининг туғилиши ва шаклланиши. Рисола. - Самарқанд: Зарафшон, 1996. - 32 б; Б.Каримов ва бошқалар. XX аср шеърияти антологияси. –Т.: Ўзбек миллий энциклопедияси, 2007. - 495 б.

дарсликлар, шунингдек, адабиётнинг илмий-назарий масалаларига бағишланган махсус қўлланмаларда ҳам ушбу жанр, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида бирон фикр билдирилмаган¹⁰. Бундай ҳолатлар эса китобхонни «ўзбек адиблари шеърий роман ёзганми ёки йўқми», деган саволга аниқ жавоб топишларида иккилантириб қўяди. Ваҳоланки, XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиётида бир эмас, учта шеърий роман эълон қилинган бўлиб, булар: Мирмуҳсиннинг «Зиёд ва Адиба», Ҳусниддин Шариповнинг «Бир савол», Муҳаммад Алининг «Боқий дунё» асарларидир.

Ўзбек реалистик шеърий романи Мирмуҳсиннинг «Зиёд ва Адиба» асари билан бошланади. Шеърий роман жанрининг ўзбек адабиётида юзага келиши билан боғлиқ омиллар нималардан иборат бўлганлиги борасидаги таҳлилга эътибор қаратилиб, асар яратилишидаги давр тақозоси, қолаверса, жаҳон ва миллий адабиёт анъаналарининг мазкур романда акс этиши каби ҳодисалар ушбу роман фонида таҳлилга тортилди.

Иккинчи фасл «Зиёд ва Адиба» шеърий романида эпик воқелик ва лирик талқин» деб номланган бўлиб, Мирмуҳсиннинг романидаги эпик воқеликнинг лирик талқин билан муносабати ўрганилди.

Шоир ўз қаҳрамонлари характери ва руҳиятини ёритишда кўпгина бадиий тасвир усуллардан, персонажлар ўзаро мулоқотининг монолог, диалог сингари турлари, қолаверса, драмага хос жиҳатлардан моҳирона фойдаланган. Роман сюжетида эпиклик ва лиризм уйғунлигини таъминловчи асосий восита вазифасини матнда автор нутқининг етакчилиги белгилайди. Бироқ лирик чекинишларнинг объектив талқини замирида субъектив талқин мавжудлиги, ички кечинмалар эса муаллиф нутқи орқали тасвирлангани асарнинг тўлақонли бадиий хусусиятларини ифодалашда муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳол эса, ўз ўрнида, шеърий романнинг специфик хусусиятлари барқарорлигини таъминлашга хизмат қилган. Шунингдек, Мирмуҳсин коллизияли конфликт¹¹ турларидан ўринли фойдаланиб, уларни асарнинг бош ғоясига, муаллифнинг нуктаи назарини тўлиқ ифодалашга хизмат қилдира олган.

Аммо «Зиёд ва Адиба» асари ҳақида ўз вақтида бир қанча ўринли танқидий фикрлар ҳам билдирилди¹². Жумладан, Ф.Насриддинов:

¹⁰ Султонов И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1986. – 406 б.; Шукуров Н. ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 230 б.; Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш курсидан ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1979-287 б.; Зуннунов А., Ҳотамов Н. Адабиёт назариясидан қўлланма. – Т., 1978. – 147б; Ҳомидий Ҳ, Абдуллаева Ш, Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1967. – 298 б.; Умуров Ҳ. Адабиёт қоидалари. Академик лицейлар учун қайта ишланган ва тўлдирилган 2- нашри. –Т.: Ўқитувчи, 2003. – 238.б; Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. –256 б.

¹¹ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1979. –Б. 157.

¹² Яшин К. Адабиёт ва замонавийлик / Ўзбекистон Ёзувчилар союзи II пленумида қилинган доклад асосида // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1960. – 7-сон. – Б. 116; Султон И. Ўзбек совет адабиёти янги босқичда // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1962. –9-сон. –Б. 135-139; Норматов У., Абдуллаев О. Ижоднинг қўш қаноти. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. –186 б; Насриддинов Ф. Мирмуҳсин. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. –90 б; Норматов У. XX аср Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1999. –392 б; Абдуллаев О. Камтарин ижод қўлами // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2006. -5 май. – №18.

«Романдаги образлар системаси ва сюжети линиясидаги схематизм, афсуски, унинг ҳаётий ва тўлақонли чиқишига ҳалал берган», - деб баҳолайди ва бунинг сабабини шоирнинг қийин ва мураккаб жанрда илк бор ўз кучини синаб кўраётганлиги билан боғлиқлиги ҳақидаги хулосага келади¹³.

Ҳақиқатан ҳам, 50-йилларда, яъни конфликтсизлик назарияси ҳукм сурган даврда, кўпроқ намоён бўлган схематизм¹⁴ шўролар даври таъсирида ёзилган «Зиёд ва Адиба» асарида ўз ифодасини топган. Воқеалар ривожига олдиндан режалаштириб олингандек бир хил баён, идеаллаштирилган ижобий қаҳрамон, ўз даври учун долзарб ҳисобланган меҳнат мавзуси, асар тилининг соддалиги, китобхонни ўйлантирувчи мураккаб вазиятларнинг йўқлиги каби ҳолатлар асарнинг муваффақиятли чиқишини таъминламади.

Бизнингча, асар қаҳрамонларининг лирик кайфияти, яъни бир-бирига кўнгиш қўйганлиги, аммо севишганларнинг бирга бўлишлари учун жиддий тўсиқлар мавжуд эканлигига қарамай, асарда ушбу муаммолар осон ҳал этилади. Хусусан, Адибанинг онаси Зулайхо ёлғиз қизини узоққа, «қишлоқи» йигитга турмушга чиқишини истамайди. Аммо Адиба суюқлиси Зиёдни уйига - Хоразмга бориб, у билан турмуш куради.

Иккинчи тўсиқ бевосита қаҳрамонлар яшаётган оилавий муҳит, шарт-шароит, вазият билан боғлиқ. Чунки Зиёдни ижтимоий аҳволи, дунёқараши билан Адиба тарбия топган муҳит бир-биридан кескин фарқ қилар эди. Адибанинг шижоати, Зиёдни зиёли сифатидаги дунёқараши туфайли икки ёш ҳалол меҳнат қилиб, бахтли ҳаёт кечиришади. Бу ҳол эса шеърӣ роман хусусиятларига унча ҳам мос келавермайди, чунки мумтоз адиблар ижодидаги шеърӣ асарларда ҳамиша жиддий ижтимоий тўқнашувлар, фикр ва ғоялар қарама-қаршилиги, сиёсий муҳит таъсирига тушиб қолган қаҳрамонларнинг турлича дунёқараши сингари бир қатор жиҳатлар кўзга яққол ташланади.

Профессор Н.Каримовнинг ушбу роман ҳақидаги: «Давр ва кишилар – Мирмуҳсиннинг «Зиёд ва Адиба» шеърӣ романининг асосий мавзусини ифодалайди. Бу асар ёшларнинг мусаффо ва ҳаётбахш севгилари, уларнинг далаларда мўл ҳосил етиштириш учун олиб борган курашларини ҳикоя қилади»¹⁵ деган сўзлари маълум маънода романга берилган баҳо ҳамдир. Олим «давр ва кишилар» сўзларида шеърӣ романга хос эпик қамров кўлами ўз ифодасини топганлигини таъкидлаган эди.

Бизнингча, Мирмуҳсиннинг ушбу асари, ижодкор дунёқарашидаги айрим мажбурий чекланишлардан қатъий назар, ўз даври учун хизмат қилган биринчи ўзбек шеърӣ романи сифатида ўрганилиши лозим.

Диссертациянинг иккинчи боби Ҳ.Шариповнинг «Бир савол» шеърӣ романи таҳлилига бағишланган бўлиб, у **«Шеърӣ романда макон ва замон»** деб номланган. **«Шеърӣ романда ретроспектив сюжет»** ва **«Шеърӣ романда тасвирнинг ўзига хослиги»** каби фаслларга ажратилган.

¹³ Насриддинов Ф. Шоир ижодига бир назар. -Т.: Бадиий адабиёт, 1962. – Б.424- 444.

¹⁴ Қаранг: Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. - Т.: Ўқитувчи, 1979. –Б. 315 .

¹⁵ Ўзбек совет адабиёти тарихи. III том. 2- китоб. - Т.: Фан, 1972 –Б. 73.

«Бир савол» асари эълон қилинган, уни айрим адиб ва адабиётшунослар «шеърый роман эмас, кенг тафсилотли биографик достон» деб, баъзилар эса, «қахрамонлари тадрижий ўсишда кўрсатилмаган поэма» деб баҳоладилар¹⁶. С.Мамажонов, С.Содиқ, И.Тўлаков ва М.Сафаров каби адабиётшунос ва танқидчилар уни шеърый роман сифатида талқин қилдилар¹⁷. Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ушбу шеърый романни «70-йиллар адабиётида ўзига хос ўрин тутадиган бақувват асар деб баҳолаш керак»,¹⁸ - деган фикрни билдирган эди.

Биз асар билан танишар эканмиз, унинг тўлақонли шеърый роман эканлигини эътироф этган олимларнинг фикрларига қўшиламиз. Аммо С.Мамажонов, С.Содиқ ва М.Сафаровларнинг шеърый роман алоҳида, мустақил жанр эканлиги ҳақидаги қарашларига қўшила олмаймиз, чунки ушбу асарда насрий романга хос тафаккур қўлами, асар қахрамонлари билан боғлиқ ҳолда мамлакат ва халқ ҳаётининг каттагина даврини ўз ичига олган тарихи бадий тарзда, моҳирона поэтик услубда акс эттирилган. Шу жиҳатдан қараганда, «Бир савол» ҳам тарихий роман талабларига жавоб беради, ҳам эпик баённинг шеърый шаклда олиб борилиши унга шеърый роман сифатида қарашни тақозо этади. Қолаверса, ривояда эпиклик билан лирик ифоданинг уйғунлиги, муаллифнинг баёнга тез-тез қўшилиб туриши шеърый романга хос хусусиятлардан иборат.

Асарнинг асосий ғояси бўлмиш жамоавийликни тарғиб қилиш масаласини муаллиф марказий образлардан бири - Аброрнинг мураккаб тақдир йўли орқали ифодалайди. Саводсизликка қарши кураш олиб борилаётган бир пайтда мактабда ўқийдиган хотинининг таҳликали қисматидан хавотирланган Аброр реакцион куч вакиллари таъсирида мактабга ўт қўйиб, қилган жинойти учун Сибирга умрбод сургун қилинишига қарамай, у ўзига берилган жазони адолатли, деб ҳисоблайди. Шу боис, Сибирь ўрмонларида ҳам сидқидилдан меҳнат қилиб, кишилар ҳурматини қозонади. Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, Аброрнинг фронтга бориш ҳақидаги аризаси қониқтирилади ва у жангда қахрамонликлар кўрсатиб, Ватанига ёруғ юз билан қайтади.

Аброр образи, унинг фаолияти ва қисмати орқали муаллиф жамиятдан ўзини олиб қочмаган, ўз манфаатини халқ, Ватан манфаатидан устун қўймаган инсон бахтга эришади, бу бахтни унга биров эмас, балки унинг ўзи беради, деган муҳим ғояни илгари суради.

Бош қахрамондан фарқли ўлароқ, отасининг қамалишидан ўксиган, норозилик туйғуси билан ўсган Аброрнинг фавқулодда истеъдодли ўғли -

¹⁶ Бабаджан Р. Лучшее-старая истина // Литературное обозрение. – Ташкент, 1974. -№1; Фулом Ҳ. Замон қахрамонлари ва бадий тафаккур // Ўзбекистон маданияти. – Тошкент, 1973 йил. – 16 ноябрь.

¹⁷ Мамажонов С. Достонда ғоя ва эпик тасвир қўлами // Шарқ юлдузи. –Тошкент, 1973. –9-сон. -Б.225-228; Санжар С. Синовлар силсиласида // Шарқ юлдузи. –Тошкент, 1974. – 6-сон. -Б.215-223; Тўлаков И.Масъулият ҳисси // Меҳнат ва турмуш. – Тошкент, 1974. – 2-сон. -Б.23; Сафаров М.Шеърый роман йўлида // Гулистон. – Тошкент, 1974. – 12-сон. -Б.26-27.

¹⁸ Шарафиддинов О. Ҳусниддин Шарипов. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 233.

Сатторнинг тақдири бутунлай бошқача: ёлғиз эрка ўғил онасининг меҳнати орқасидан ҳеч бир қийинчилик кўрмай ўсади. Тенгдошлари қатори мактабда таълим олади. Унда физика, математика фанларини чуқурроқ ўзлаштиришга мойиллик кучли бўлганлиги сабабли, «хонаки» лаборатория ташкил қилади ва доим «Нега?» саволини берувчи Темир одам, яъни робот ясайди. Аммо муҳаббатига етишолмаган, илмига яраша кадр тополмаган Саттор Темирвой билан лаш-лушини олиб, кимсасиз саҳрога чиқиб кетади ва севгилиси Иноятни олиб қочади. Уруш бошланганда эса, кимсасиз саҳрода ёлғиз яшашни афзал деб билади. Уруш тугагач, Саттор ва оиласи ўз қўли билан ясалган куёш нурини йиғадиган «қозонча»дан чиққан оловдан куйиб ҳалок бўлади. Демак, Саттор образи орқали Ҳ.Шарипов халқ ва мамлакат ҳаётидан айрилиб, ўзини оммадан устун қўйган инсон тақдири ҳалокатли якун топади, деган фикрни илгари сурган.

Роман сюжети оддий ўзбек оиласининг тақдири асосига қурилган бўлиб, ретроспектив характерга эга¹⁹. Асарда бир-бири билан боғлиқ, аммо турли замон (Иккинчи жаҳон урушигача, уруш даври ва урушдан кейинги йиллар) ва макон (Ўзбекистон, Сибирь, Белорус ўрмонлари, Раёнообод)да юз бераётган воқеалар ривожини параллел равишда талқин этилади. Бу эса ижодкорга турли макон ва замонда кечаётган воқеаларни ўзига хос равишда тасвирлашга, қаҳрамонлар фаолиятини мантиқан бир-бири билан боғлиқликда акс эттиришга имкон берган.

Хусниддин Шариповнинг қаҳрамонлари макондан ва замондан ташқарида турувчи мавҳум инсонлар эмас. Шоир макон ва замон тушунчаларини материя, ҳаракат ва ўзаро боғлиқликда идрок этади. Асарда ифодаланган замонда унинг қаҳрамонлари ўз маконидан, ўша давр одамига хос жиҳатлардан ажратиб тасвирланмайди. Унда макон воқеалар бўлиб ўтадиган жой, замон эса ҳодисалар бўлиб ўтган вақт маъносида ишлатилади. Аммо Саттор билими, истеъдоди, дунёқараши, ўй-хаёллари билан замонасининг кишиси эмас. У характер хусусиятларига кўра рус адабиётида учрайдиган «лишний человек», яъни, ортиқча, жамиятга фойдаси тегмайдиган одам образига ўхшаб кетади²⁰. Ижодкор эътирофича, у ўта кучли қобилияти билан замонасидан устун турувчи фавқуллодда шахс ҳамдир. Лекин Саттор соғлом фикрламайдиган, дунёдан узилган кимса: унинг ўз олами, ҳаёт ҳақида ўз тушунчаси ва қарашлари бор. Оддий тил билан айтадиган бўлсак, у ўзининг оддий одамлардан устун туришини тушунади, лекин чин инсоний фазилатлар эгаси эмаслигини англамайди. Рус адабиётидаги жамиятга яроқсиз қаҳрамонларнинг фожеаси ижтимоий муҳитнинг қурбони сифатида тасвирланса, Саттор ўз худбинлиги қурбони сифатида ифодаланган.

¹⁹ Қаранг: Русча-ўзбекча луғат. Икки томлик. - Т.: Ўзбек Совет Энциклопедияси, 1983-84. 2-том. -Б 355; Куронов Д, Мамажонов З, Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: АKADEMNASHR, 2010.-397 б; Ожегов С.И. Словарь русского языка. –М.: Русский язык, 1986. – 795 с; Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш / Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т.: Шарқ, 2008. - 366 б.

²⁰ Кожевникова В. М., Николаева П. А. Литературный энциклопедический словарь. - М.: Советская энциклопедия, 1987. - С.204.

Ретроспектив сюжет романда ижодкорга турли макон ва замонда кечаётган воқеаларга нигоҳ ташлашга, қаҳрамонлар фаолиятини мантиқан бир-бири билан боғлиқликда акс эттиришга имкон берган. Шу боис шоир ўрни билан мамлакат ичкарисидagi ҳаётни ҳам тасвирлашга ҳаракат қилади. Аммо адабиётшунос С.Содиқ роман воқеалари баёнида Аброр билан Адҳам суҳбатларидан сўнг, шоир китобхонни Ўзбекистонга олиб ўтиб, Хайри билан Ҳамро ҳаётини тасвирлашга киришганлигини «композицион парокандалик»²¹ деб баҳолайди. Натижада, у айрим ўринларда ретроспектив сюжет ва унинг композицион ўзига хосликларини тўғри англай олмайди.

Биз С.Содиқнинг бу фикрига қўшила олмаймиз. Чунки романда учта композицион марказ бор. Биринчиси - Ўзбекистондаги Хайри ва Ҳамролар ҳаёти. Иккинчиси - Саттор ва Иноятларнинг Раъноободдаги ҳаёти. Учинчиси - уруш, партизанлар ҳаёти. Шундай экан, шоир Аброр ва Адҳам муносабатларини муайян нуктага етказгач, мамлакат ичкарисига - бевосита Хайри ва Ҳамро муносабатларини тасвирлашга ўтади. Бу - ретроспектив сюжет талаби. Бинобарин, тасвир макони ва замонининг ўзгариши композицион парокандаликка олиб келмаган. Аксинча, бу Аброр оиласининг ҳамда Ҳамронинг қисмати ҳақида ўқувчи кўнглида туғилган саволга жавоб ҳам бўлади, деб ўйлаймиз.

Ҳ.Шариповнинг «Бир савол» шеърый романида шахс ва жамият муносабати икки хил сабаб ва икки хил йўл билан ўз уйи ҳамда юртидан узоқлашган ота-бола Аброр ва Сатторларнинг қисматлари орқали тасвирланган. Асар реал воқеликни кенг кўламда, турли хил характерлар тақдири мисолида қамраб олиши, хронотоп сарҳадларининг кенглиги, айрим тақдирлар мисолида бутун халқ ва мамлакат тақдирининг акс эттирилиши услубининг равонлиги, тасвирий восита ҳамда усулларга бойлиги, ретроспектив сюжети, ижодкор ғоясини ифодалашга хизмат қилувчи композицияси ва ижтимоий-сиёсий конфликти билан шеърый роман талабларига тўлиқ жавоб беради. Шунингдек, XX асрнинг 70-йиллари ўзбек реалистик шеърый романининг яхши намунаси, деб ҳисобланишга ҳақли.

Иккинчи фасл **«Шеърый романда тасвирнинг ўзига хослиги»** деб номланиб, «Бир савол» шеърый романида тасвирнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фикрлар умумлаштирилди. Асарнинг марказий қаҳрамонларидан бири - Аброр оғир синовлар туфайли маънавий жихатдан улғаяди ва ўз даврининг тўлақонли кишисига айланади. Унинг мураккаб ҳаёт йўлидан, мушкул синовларга бой тақдирдан шоир муҳим хулоса чиқаради: инсонни ҳар қандай синовларга бардошли қиладиган, унинг ҳаёт йўлларида бардам ва тетик юришини таъминлайдиган ягона омил эътиқодининг юксаклиги, маънавиятининг теранлиги, она-Ватанга, халқига садоқатидир. Фақат шундагина унинг ҳаёти чуқур маъно касб этади, у инсоний бахтга эришади. Бу хулоса шеърый романнинг ғоявий концепциясидаги энг муҳим тезисни ташкил этади. Романдаги бошқа қаҳрамонлар тақдири ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

²¹ Содиқ С. Синовлар силсиласида // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1974. -6-сон. – Б. 221.

«Бир савол» шеърый романининг бош ғояси ва образлар дунёсини тўғри англаш, тўғри талқин қилиш учун асардаги бадиий шартлилик табиатини, унинг миқёси ва адо этган вазифасини тўғри тушуниш шарт. Бизнинг назаримизда, асарда шартлилик миқёси орттириб юборилиб, реалистик адабиёт учун мос бўлган меъёр фольклорга хос меъёр даражасига кўтарилган. Ўзбек адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида бадиий шартлилик масалаларини тадқиқ этишга бағишланган илмий тадқиқотларда²² бадиий шартлилик табиати ҳақида эътиборга молик фикрлар билдирилган, аммо ана шу шартлиликнинг реалистик адабиёт учун хос бўлган миқёси ҳақида аниқ мулоҳазалар билдирилмайди. Чунки, қирғиз олими Т.Асқаровнинг талқинига кўра, сўз санъатидаги бадиий шартлиликнинг уч хили мавжуд: а) реалистик шартлилик; б) формалистик шартлилик; в) эртаққа хос шартлилик²³.

«Бир савол» шеърый романидаги Темирвой образига иккита вазифа юкланган. Сатторнинг кашфиётчи сифатида юксак қобилиятга эга эканлиги ҳамда рамзий вазифа - Темирвойнинг ўзи моҳиятини англамаган ҳолда фақат «нега?» саволини бериши ва нима топшириқ бўлса, уни бажараверишида намоён бўлади. Ушбу савол туфайли шоир Сатторнинг барча ишлари моҳияти англамай қилинган ишлар эканлиги, улар бир куни унинг бошига фалокатлар келтириши мумкинлигини таъкидлашга интилади. Шунинг учун ҳам романнинг номи «Бир савол» деб қўйилган. Бу савол асосида эса улкан ҳақиқат, ҳаёт фалсафаси ётишини муаллиф асар охирида шундай ифодалайди:

*Темир - темир!
Лекин тирик жон.
Тинглайверса унинг саволин,
Миясига бирдан тепиб қон,
Остин-устун қилар хаёлин:
«Бу оламга нечун келдинг-у,
Қандоқ қайтдинг?», демоқчимикан?
«Не қолдирдинг дунёда мангу,
Қани қадринг?», демоқчимикан?»²⁴.*

Демак, ҳар қандай одам ҳаёти давомида, албатта, бир саволга жавоб топиши керак. «Бу оламга нечун келдинг-у, қандоқ қайтдинг?», - деган саволга тўғри жавоб топган одамгина ҳаётда ўз ўрнини топиб олиши, ҳаётидан, қилган ишларидан мамнун бўлиши, ўзидан қониқиш туйғуси билан яшаши мумкин. Бу кўҳна савол жавобига боғлиқ равишда одамнинг турмуш

²² Болтабоев Ҳ. Шартлилик табиати ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1981. – 5-сон.-Б. 34-39; Болтабоев Ҳ. Стилевые искания современной узбекской прозы (70-е годы): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1983. -17 с; Холмирзаева С.Ш. Особенности художественной условности узбекского народного эпоса: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Т., 1990.- 23 с; Саримсоқов Б.И. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т., 2004. – Б 110; Шарафиддинов О. Хусниддин Шарипов. Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. –Б. 235.

²³ Асқаров Т. Эстетическая природа художественной условности.– Фрунзе, 1966.- С. 108-119.

²⁴ Шарипов Ҳ. Бир савол. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1973. -Б 202.

тарзи, ҳаётий фалсафаси, маънавий қиёфаси белгиланади. Бу саволни ҳар ким ўзича талқин қилади ва ҳаёти давомида ўзича жавоб излайди. Шеърий романда жамоавийлик асосида умргузаронлик қиладиган инсон элда ҳурмат-эътибор топади, индивидуаллик принципларига таяниб яшайдиган инсон муқаррар тарзда инқирозга, маънавий мағлубиятга юз тутаяди деган фалсафий концепция илгари сурилади. Шоир бу концепцияни тўлақонли характерлар фаолиятида, уларнинг тақдирлари мисолида кўрсатиб беради. Аммо романдаги бадиий шартлилик маҳсули бўлган Темирвойга ижодкор реалистик шартлилик мезонларини қўя олмаган. Натижада мазкур образдаги бадиий шартлилик эртаққа хос шартлилик даражасига яқинлашиб қолган. Чунки Ҳ.Шарипов талқинига кўра, халқдан узоқлашган, ватанига хизмат қилмайдиган ҳар қандай иқтидорли шахс алаалоқибат ҳалокатга учрайди, деган ғояга жуда кучли берилган, натижада ғояга ҳаддан ортиқ берилиш, бадиий шартлиликка ўта даражада эрк бериш тасвирнинг айрим ўринларида ишончсизлик келтириб чиқарган. Романдаги бадиий шартлилик мезони ҳамда меъёрининг бир оз сунъийлиги оқибатида реалистик тасвир тамойилларининг маълум даражада оқсаб қолганлиги ҳисобга олинмаса, «Бир савол» ўзбек шеърий романининг адабиётимизда тўлақонли яшай олишига тўла ҳақли эканлигини бир қарра тасдиқлади.

Роман халқона ифодаларга бой, равон, ҳикоя қилишга қулай тўққиз бўғинли шаклда ёзилган. Шоир эпик баёнда а+б+а+б, в+г+в+г тартибидаги кесма қофиялаш усулини танлаган. Бундай шакл эса, биринчидан, шоирга эпик талқинни изчил баён қилишга, поэтик фикрни турли томонга буришга катта имконият беради. Иккинчидан, китобхонни зериктириб, толиқтириб кўйишдан қутқаради.

Эпиклики лирик чекинишлар билан омухталаган ҳолда, яъни эпик тасвир ва лирик тасвирни биргаликда олиб бориш муаллифдан катта маҳорат талаб қилади. Муҳими шундаки, Ҳ.Шарипов шеърий роман учун мос шеърий баён, ривояда эпиклик ва лирик чекинишларнинг уйғунлиги, вазн ва қофия, мукамал композиция, ҳеч қачон келишувларга олиб бормайдиган муайян конфликт каби бадиий асар таркиби учун зарур компонентлар мавжудлигига алоҳида эътибор беради. Шунингдек, у «Бир савол» асари билан шеърий роман шаклининг воқеликни бадиий акс эттиришнинг имкониятлари ниҳоятда бой эканлигини амалда кўрсатди.

Диссертациянинг учинчи боби **«Боқий дунё» шеърий романда эпиклик»** деб номланган бўлиб, **«Шеърий романда тарихий воқелик концепцияси»** ва **«Шеърий романда композиция»** каби фаслларга бўлинган. Унда 1969-1979 йилларда ёзилган Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг «Боқий дунё» шеърий романи таҳлил қилинган.

Дастлаб шеърий роман «Сукунат», «Шабада» ва «Бўрон» деб номланган уч қисмдан иборат тузилишга эга бўлган. Шоир уни қайта ишлаб, «Сукунат» ва «Шабада» деб номланган икки қисмга келтирди. Асарнинг дастлабки нусхаси ҳақида Б.Қосимов, М.Юнусов, О.Тоғаев, А.Каттабеков, У.Ўлжабоев, В.Оскоцкий, Й.Солижонов, П.Шермухаммедов, П.Харт каби таниқли олимлар тақризлар ёзишди Тошкент ва Москвада жами ўн олти та мақола

Ўзбек ва рус тилларида эълон қилинди²⁵. Шеърый роман ўзбек (икки марта) ва рус тилларида умумий ҳисобда қирқ минг нусхада босилди. Таниқли рус шоираси Марина Кудимова томонидан романнинг рус тилига қилинган таржимасига (1984) Евгений Евтушенко ижобий баҳо берди.

«Боқий дунё»нинг мавзуси узоқ йиллар мустамлака даврида қисиниб яшаган ўзбек халқининг эрк ва озодлик йўлида олиб борган кураши билан боғлиқ. Асарнинг бадиий ғояси, ижодкор талқинича, «Озодликка эришиш ҳаракатлари бизга «экспорт» қилинган»лиги ҳақидаги ўша вақтларда ҳукмрон бўлган фикрларга қарши ўлароқ, озодликка, эрка интилиш асл моҳиятимизда борлигини кўрсатишдан иборат бўлиб, «капитализмни босиб ўтмасак-да», биз ҳам дунёдан бохабар, тўлақонли миллат эканлигимизни исбот этишга йўналтирилган ғояни уч авлод (ота, ўғил, набира) ҳаёти мисолида кўрсатиш зарурияти туғилди ва мавзунинг ўзи шеърый усул, шеърый роман жанрини танлади». (Муҳаммад Али билан суҳбат, 19 апрель 2009 йил.)²⁶

Шеърый романда 1898 йилда Чор Россияси истилосига қарши бошланган Андижон кўзғолонидан бошлаб, Жиззахда 1916 йили «мардикорлик» деб ном олган мажбурий ҳарбий сафарбарликка қарши кўтарилган кўзғолон, жаҳидчилик ҳаракатининг вужудга келиши, Ўзбекистон Республикасининг ташкил этилиши билан боғлиқ тарихий воқеалар акс эттирилган. Шоир бу воқеаларни тасвирлашда, талқин қилишда тарихийлик тамойилларига изчил амал қилади. Асар қаҳрамонлари - шаҳрихонлик Азимбой, ўғли Қудрат ва унинг эмикдоши, бойнинг қароли бўлмиш Насриддин полвон, Жиззахлик Суюнбой ҳамда уларнинг оила аъзолари тақдири мисолида катта ижтимоий-сиёсий ва ҳаётий конфликтларнинг бадиий ифодасини кўриш мумкин. Чунки шеърый романида қамраб олинган салкам ўттиз беш йиллик тарихий давр, у даврда юз берган воқеалар халқнинг маънавий ҳаётида туб бурилишлар пайдо этганлиги шеърый романга хос бадиий йўсин орқали тасвир этилади.

²⁵ Қосимов Б. Курашларда боқийдир дунё // Гулистон. –Тошкент, 1981. -3-сон. -Б.27-28; Юнусов М. Ҳақиқат деб, ёруғ нур истаб... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1982 йил. –25 июнь. –Б. 2; Солижонов Й., Ҳожалиев И. Умрбоқийлар мадҳи // Ёш ленинчи. –Тошкент, 1982 йил. –26 январь. –Б. 3; Тоғаев О. Боқий дунё // Совет Ўзбекистони. –Тошкент, 1982 йил. –9 июль. – Б. 2; Каттабеков А., Ўлжабоев У. Вечная тема // Правда Востока. – Ташкент, 1982 йил. – 26 ноябрь. - С. 3; Носиров О. Кураш, ғалаба, боқийлик тасвири // Наманган ҳақиқати. – Наманган, 1983 йил. –12 март. –Б. 2; Ўлжабоев У. Янги дунё курашчилари // Тошкент ҳақиқати. –Тошкент, 1983 йил. –10 март. –Б. 2; Тўлаков И. Эпик кўлам тасвири // Коммунист. – Тошкент, 1983 йил. –20 август.-Б.3; Рўзиматова А. Боқий ҳаёт тасвири // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –Тошкент, 1983 йил. –7 февраль. – Б.2; Шермухамедов П. О прошлом ради будущего // Звезда Востока. –Ташкент, 1983. - №9. -С.160-161; Оскоцкий В. Дастан созданный историей // Послесловие к роману в стихах «Вечный мир». Перевод с узбекского М.Кудимовой. - Т., 1984. –С.163-164; Оскоцкий В. Тарих яратган дoston // Совет Ўзбекистони. – Тошкент, 1984 йил. – 27 ноябрь. – Б. 2; Харт П. А время убастрало шаг (О романе в стихах «Вечный мир») // Литературное обозрение. –Ташкент, 1986.- № 6.-С.50-51; Маҳмудов М., Яқвалхўжаев Ё. Юлдузларда тўхтамас ҳаёт // Ўқитувчилар газетаси. –Тошкент, 1984 йил. – 21 март. – Б.2; Шермухамедов П. Инқилоблар замони эди // Шарқ юлдузи. –Тошкент, 1983. - №11. -Б.198-200.

²⁶ Ахророва Л. «Боқий дунё»ни ўқиб... (Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан суҳбат) // Гулистон. – Тошкент, 2009. -5-сон. - Б. 35-36.

М.Али XIX аср охири - XX аср бошларидаги миллий-озодлик ҳаракатларини тасвирлаш учун тарихий ва бадиий фактларни жиддий ўрганади. Натижада, халқимизнинг миллий-озодлик ҳаракати тарихи ҳақида унинг ўзига хос бадиий концепцияси шаклланади. Бу концепция икки босқичдан иборат бўлиб, биринчиси ҳатто рус императорини даҳшатга солган Дукчи эшон қўзғолони ва унинг тарихдаги ўрнини белгилашдан иборат бўлса, иккинчиси Жиззах қўзғолонининг сиёсий савиясини акс эттириш эди. Шоир «Боқий дунё» романида ана шу икки концепцияни бадиий йўсинда тасвирлаб бера олди.

Муаллиф «Боқий дунё»нинг бош қаҳрамони Насриддинни ўзбек халқининг типик вакили сифатида тасвирлашни ният қилган. Романда бу ва бошқа персонажларнинг ижтимоий шахс сифатидаги қирралари миллий характер хусусиятлари билан уйғун эканлигини кўрамыз. Асарнинг бош қаҳрамони тақдири халқ билан, эл-юрт қисмати билан боғлиқ эканлигини чуқур англайди ва эл озодлиги йўлида олиб борилаётган курашларда фаол иштирок этади. Насриддин асар охиригача қатнашадиган ягона образдир.

Шоирнинг 1997 йилда чоп этилган «Сайланма»сига ёзган «Сўз боши»да профессор Б.Қосимов «Муҳаммад Али синчковлиги, воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш салоҳияти билан миллий уйғониш тарихимизнинг бир қатор жонли ва ҳаққоний лавҳаларини ярата олди»²⁷, - деб таъкидлаганида, бевосита мазкур романда тасвирланган қаҳрамонлар, улар фаолияти кечган тарихий хронотопни назарда тутганлиги шубҳасиз.

Асарни таҳлил қилиш жараёнида Муҳаммад Али романнинг дастлабки вариантыдаги учинчи «Бўрон» деб номланган қисмини қайта ишлаб, тўлдириб, Қудратнинг ўғли Фарҳоднинг ҳаёти ва тақдири мисолида ўз олдига қўйган бадиий-эстетик ғояни янада кенгрок ёритиши лозим, деб ҳисоблаймиз, чунки, таҳлилий натижаларимизга кўра, романдаги Фарҳод образи ўз интиҳосига етмай қолган.

Диссертациянинг ушбу бобидаги иккинчи фасли **«Шеърый романда композиция»** деб номланиб, «Боқий дунё» шеърый романи композициясига оид хусусиятлар таҳлил қилинди.

Асар сюжети ва композицияси пухта ишланган бўлиб, изчил симметрик банд тузилмасига асосланган ҳамда бандлар таркиби, вазни ва бир хил тартибдаги қофияланиши билан поэтик уйғунлик касб этади. Роман композициясининг бундай характери шоирга воқеалар камровини кенгайтиришга, тасвир объектини тез-тез ўзгартириб туришга, воқеалар оқимида янги-янги персонажларни олиб киришга имкон берган.

Шеърый романнинг ретроспектив сюжетга эга эканлиги эса асарнинг макон ва замон камровини кенгайтиришга ёрдам берган. Чунки романда тасвирланган воқеалар кўлами кенг. Унда Шаҳрихон, Мингтепа, Жиззах, Асака, Тошкент, Москва, Петербург, Ўш, Марғилон, Самарқанд каби шаҳарлар бадиий-тарихий маконлик вазифасини ўтайди. Асар сюжетини

²⁷ Қосимов Б. Ижод бахти / Муҳаммад Али. Сайланма. – Т.: Шарқ, 1997. –Б. 6.

ташқил этган воқеалар ўзаро сабаб-оқибат муносабатлари орқали шу даражада ишонарли боғланган.

Шеърый роман икки қисм ва ўн бобдан иборат бўлиб, асарнинг икки боби ўз навбатида йигирма мисрадан ташқил топган бўлимлардан тузилган. Ҳар бир бўлимдаги ўн олти мисра кесма қофия тартибида, яъни а-б-а-б тарзида қофияланган бўлса, бўлим охиридаги тўрт мисра а-а-б-б шаклида жуфт қофияланган. Ҳар бир боб ўз навбатида бир-биридан рақамлар билан ажратилган.

Асарда иштирок этувчи Азимбой, унинг Москвада таҳсил олаётган ўғли Қудрат, хизматкори Ойчучук хола, унинг ўғли Насриддин, жиззахлик бой дўсти Суюнбой каби қаҳрамонлар характеридаги фарқлар воқеалар ривожига очила боради, уларга хос шахсий характерлар атрофдагиларга бўлган муносабатларида ҳам бир-биридан фарқланиб туради. Асарда ўз ҳаёти ва тақдирига эга, қиёфаси эсда сақланиб қоладиган Дукчи эшон, унинг хизматкорлари, Бойдарвиш, жиззахлик Суюнбой, унинг қизи Ғунчақиз, бойнинг хотини Салтанат, қизи Жаннат, ишчи Муса, Жалол, Очил новвой, унинг қизи Гулсун, рус ишчиси Иван Лапин, Валентина, москвалик Пётр Иванов каби бошқа миллат вакилларида иборат талайгина персонажлар роман воқеаларида иштирок этадиларки, бу нарса асардаги образлар тизимининг ҳар томонлама мукамал ишланганлиги, кенглиги ҳамда мураккаблигидан далолат беради. Шеърый роман персонажлари тўқсон кишидан ортиқ. Ўн бешга яқин персонаж воситасида авлодлар тақдири анча батафсил тасвирланган. Асардаги кўплаб сюжет чизиқлари пухта ўйланилиб, ниҳоясига етказилган. Ушбу персонажларнинг ўзаро муносабатлари орқали Дукчи эшон кўзғолони билан Жиззах кўзғолони воқеалари ўзаро боғланади.

Муҳаммад Али Андижондаги кўзғолон раҳбари Дукчи эшоннинг ўз даврида тутган ижтимоий мавқеи, жамият ҳаётидаги ролини тарихий ҳақиқатга мос равишда бузмасдан, баъзи тарихий шахслар, тўқима образлар тақдирига боғлаган ҳолда ҳаққоний тасвирлайди. Шу билан бирга, тарихий шахс - Дукчи эшонга унинг замондошлари ва тарихшунос олимларнинг муносабатини объектив тарзда ифодалаган.

Қаҳрамонлар асар воқеалари ривожига Дукчи эшон билан учрашадилар. Натижада, бадиий ижод қонуниятларига биноан Муҳаммад Али Дукчи эшон билан боғлиқ бўлган тарихий воқеаларнинг кўп тафсилотларини сақлаган ҳолда, бу образнинг янги хислатларини, ижобий характер белгиларини очиб беради. Шу боисдан, Дукчи эшоннинг асар сюжетида, романнинг ғоявий мазмунида тутган ўрни каттадир. Дукчи эшоннинг халқ орасидаги обрўйи, кўзғолон раҳбари сифатида катта сиёсий воқеалар гувоҳи ва иштирокчиси бўлганлиги муаллифга бу образни тўлақонли тасвирлаш имконини берган. Эшон ватанини мустақил кўришни истайди, у, баъзи тарихчилар талқинича, мутаассиб (консерватор) эмас.

Албатта, роман шўролар даврида ёзилганлиги сабабли Дукчи эшон шахсиятига хос ижобий хислатлар бир қадар яхши ёритилмай қолган. Қолаверса, романда биргина Андижон кўзғолонини батафсил тасвирлаш асосий мақсад қилиб олинмаган. Романнинг бош мақсади XIX асрнинг

охирги чораги XX аср бошларидаги халқ кўзғолонлари фонида Туркистон заминида меҳнаткаш омманинг оғир аҳволини, ижтимоий тузум носозлиги туфайли юз берган севги фожиаларини, маҳаллий аҳоли бошига тушган жабр-зулмнинг беҳад оғирлигини кўрсатишдан иборат. Шоир бу воқеаларни тасвирлаш ва талқин қилишда тарихийлик тамойилларига изчил амал қилади.

Асарда муаллиф «мардикорлик» деб ном олган мажбурий сафарбарликка қарши кўтарилган Жиззах кўзғолонини ўша даврда яшаган турли оқим вакиллари томонидан гоҳо дин йўлидаги кураш, гоҳо ўзга миллат вакиллари, хусусан, русларга қарши кураш сифатида талқин этилиши сингари воқеаларга алоҳида тўхталиб, бу тарихий воқеанинг асл моҳиятини нотўғри талқин қилинганлигига ҳам объектив баҳо берди.

Шеърый роман объектив тасвир билан ижодкорнинг субъектив муносабатининг уйғунлигини талаб этади. Бу нарсa, умуман, шеърый роман поэтикасининг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Аммо «Боқий дунё»да Муҳаммад Али лирик чекинишларни шунчаки бадиият талабларини бажариш учунгина қўллаган. Сўз романнинг поэтикаси хусусида кетар экан, айтиш жоизки, асарнинг ретроспектив сюжет типи шоирга гоҳ эпик тасвир, гоҳ лирик чекинишлар қўллашга, исталган ўринда тасвир объектини кино лавҳаларидек тез-тез ўзгартиришга, шеърый романнинг замон ва макон камровини кенгайтиришга, ўтмиш ва асар воқеалари кечаётган даврни боғлашга, яъни синхроник ҳамда диахроник тасвир усуллариини уйғунлаштиришга имкон берган. Тасвир объектининг ўзгариб туриши, эпик тасвирнинг лирик кечинма билан алмашилиб туриши, жўшқин шоирона руҳнинг кескин драматизм ва фожиавийлик билан уйғунлашуви ўқувчини зериктирмайди. Айни пайтда бундай йўл реал тарихий воқеалар тасвири билан кўтаринки романтик патетикани уйғунлаштиришга, шу орқали асардаги оддий эпик баённи жўшқин ҳиссий кечинмалар билан бойитишга ёрдам берган. Шунингдек, асар муваффақиятлари ҳақида гап кетганда, манзаралар тасвиридаги тиниқликни, Шаҳрихон, Жиззах, қадимий Бухоро табиатининг жозибали баёни, Ўзбекистон деб аталган улуғ юртнинг табиати тасвирланган гўзал мисраларни таъкидлаш ўринлидир. Фикрлар, лирик чекинишлар, табиат манзаралари китобхонга осон ва аниқ етиб борадиган ҳолда ифодаланган.

Туркистонда бўлиб ўтган тарихий воқеалар, миллий-озодлик ҳаракатларининг шафқатсиз бостирилиши, бу воқеаларнинг Азимбой ва Суюнбой оила аъзолари тақдирида қолдирган фожеали излари романга хос бадиий тафаккур камрови талабларига жавоб беради. Роман поэтик шакли, бадиий тили, услубий равонлиги билан ўзбек шеърый романчилигининг яхши намунаси бўлиб, муаллиф асарда эпик баён билан лирик ифодани уйғунлаштира олган.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Шеърый роман - шеърыйтнинг ўзига хос жанрида яратилган асар (лиро-эпик асарнинг бир кўриниши) бўлиб, у романга хос воқелик (воқеанавислик, ҳикоя қилиб бериш) кўп планлилик ва субъектив лирик бошлангани ўзида бирлаштиради. Насрий романга кўра муаллиф сўзи ва иштироки шартли равишда ифодаланади, ундаги характерлар умумлаштирилиб, воқеалар тасвири кўпроқ лирик чекинишлар билан олиб борилади. Шеърый романнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, баъзида қаҳрамонлар билан бир қаторда воқеаларга муаллиф фаол аралашishi мумкин.

2. Шеърый романда: а) поэмага нисбатан воқеликни кенгрок қамраб олиниши; б) персонажлар ўртасидаги ранг-баранг муносабатларнинг акс эттирилиши; в) улар яшаётган вазият ҳамда муҳитнинг тафсилотларини кенг қайд этилиши; г) бош қаҳрамон характерини поэмага нисбатан ёрқинрок очиб берилиши; д) муаллиф образи, характери ва кечинмалари ифодаси кузатилса, поэмада бундай хусусиятлар кўзга ташланмайди.

3. Шеърый романда тасвирга олинаётган воқелик кенг ва чуқур таҳлил этилади, яъни шеърый жиҳатдан бу жараён катта аҳамиятга эга. Поэмада қисқа давр чизгилари акс этса, шеърый роман ўз сюжетининг кенг камровлилиги билан ажралиб туради. Шу тариқа, бугунгача яратилган барча шеърый романларнинг ҳар бирида муаян катта тарихий воқелик бадий тарзда баён этилганлигини кўришимиз мумкин.

4. Ўзбек мумтоз адабиётининг романтик характердаги барча дostonларида воқеликни кенг қамровда, лирик чекинишлар билан уйғунликда тасвирлаш каби шеърый романга хос усуллар шаклланиб борган. Аммо мумтоз дostonлардаги сюжетлар асосида реал воқеалар эмас, балки фантастик ва романтик руҳдаги воқеалар, образларнинг идеал даражагача олиб чиқиш ҳолатлари мавжуд.

5. Мирмуҳсиннинг «Зиёд ва Адиба», Ҳусниддин Шариповнинг «Бир савол», Муҳаммад Алининг «Боқий дунё» каби шеърый роман шаклидаги асарларининг мавжудлиги адабий факт ҳисобланса-да, ўзбек адабиётшунослигида бу жанр деярли ўрганилмай келинган.

6. Ижтимоий тузум ва ҳукмрон мафкура таъсирида ёзилган Мирмуҳсиннинг «Зиёд ва Адиба» асари ўзбек реалистик шеърый романининг шаклланиш жараёнини, бу адабий жанрнинг генетик асосини, миллий ўзига хослигини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлган илк шеърый роман намунаси сифатида ўрганилиши лозим.

7. Ҳ.Шариповнинг «Бир савол» шеърый романида жамоавийликка амал қилиб яшайдиган инсон элда ҳурмат-эътибор топади, индивидуаллик принциплари асосида яшайдиган шахс эса инқирозга, маънавий мағлубиятга юз тутаяди, деган фалсафий концепция илгари сурилади. Шоир бу концепцияни тўлақонли характерлар фаолиятида, уларнинг тақдирлари мисолида ишончли кўрсатиб бера олган.

8. Муҳаммад Али «Боқий дунё» асарида яқин ўтмишимизда халқимиз бошидан кечирган миллий-озодлик кўзғолонлари йўлидаги қаҳрамонона курашни кенг эпик йўсинда акс эттириб, уларнинг халқ ҳаётида тутган ўрни, миллий ва миллий сиёсий онгининг уйғонишидаги аҳамиятини ёрқин образлар ҳаёти мисолида, ўзига хос поэтик шаклда кўрсатиш билан шеърий романнинг адабиётимиздаги ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

9. Ўзбек адабиётининг шеърий романларида («Зиёд ва Адиба» «Бир савол») Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги даврларда ўзбеклар ҳаёти акс эттирилган бўлиб, ушбу асарлардаги ўзига хос образлар фаолиятининг барча қирралари миллий характер хусусиятлари билан уйғун тарзда ёритилган.

10. «Боқий дунё» шеърий романида XIX асрнинг охири XX асрнинг 20-йилларига қадар Туркистонда бўлиб ўтган тарихий воқеалар, Чор Россияси истилосига қарши халқнинг миллий эрк ва озодлик йўлидаги кўзғолонлари ва уларнинг шафқатсиз бостирилиши, ана шу қонли воқеалар содир бўлган давр кишилари - Азимбой, Насриддин, Қудрат, Суюнбой, Ойчучук момо каби образлар қисмати мисолида ёритилади.

11. Ўзбек адиблари - Муҳаммад Али ва Ҳусниддин Шариповлар ретроспектив сюжет имкониятларидан унумли фойдаланиб, объектив воқеликни тасвирлашда янги тамойилларга таяндилар.

12. Шеърий романларда шеърий тузилиш ва қофияланиш тартиби жаҳон ва рус адабиётида яратилган шеърий романлардан фарқ қилади. Жумладан, Мирмуҳсин ўз шеърий романида етти бўғинли вазнга мурожаат этган бўлса, Муҳаммад Али ва Ҳусниддин Шариповлар тўққиз бўғинли бармоқ вазнининг тасвир ва ифода воситаларидан фойдаланганлар.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Ахророва Л. Шеърий роман спецификаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент, 2003.- №6.- Б. 53-55.

2. Ахророва Л. Шеърий романлар ҳақида сўз // Ёшлик.-Тошкент, 2004. - №5.- Б. 45.

3. Ахророва Л. Ўзбек шеърий романи: талқини ва таҳлил муаммолари // Тил ва адабиёт таълими. -Тошкент, 2004. -№5. - Б. 44-47.

4. Ахророва Л. Шеърий романимиз тақомили // Бошланғич таълим.-Тошкент, 2004.- №6. - Б. 46-47.

5. Ахророва Л. Ўзбек адабиётидаги шеърий романлар ҳақида // Филология фанининг долзарб муаммолари. -Тошкент, 2004. - Б. 148-150.

6. Ахророва Л. «Навоийнома» шеърий романи тўғрисида // Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 2004. -№6. -Б. 62.

7. Ахророва Л. Шеърий романлар ҳақида сўз / Умумфилологик тадқиқотлар. -Жиззах, 2006. - Б. 81-83.

8. Ахророва Л. «Навоийнома шеърий романида тарихий воқелик ва бадиий тўқима» // Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент, 2008. - №3. -Б. 69.

9. Мелиева К., Аҳророва Л. Илк ўзбек реалистик шеърий роман намунаси / Минтақавий илмий-амалий конференцияси материаллари. - Жиззах, 2008. - Б. 266-269.

10. Аҳророва Л. «Боқий дунё»ни ўқиб....» (Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан суҳбат) // Гулистон. -Тошкент, 2009. -№ 5. - Б. 35-36.

11. Шеърий роман имкониятлари (Адабиётшунос Л.Аҳророва саволларига шоир ва ёзувчи Муҳаммад Алининг жавоблари) // Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 2010. - № 6. – Б. 86-90.

12. Ahrorova L. Özbek edebiyatında yaratılan şiir romanlar // “Güncel sanat” –Туркия, Antaliya, 2010.-№ 3. -S. 40-41.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Ахророва Лола
Иминовнанинг 10.01.08 - Адабиёт назарияси ихтисослиги бўйича «Ўзбек
шеърий романларининг спецификаси» мавзусидаги диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: шеърий роман, жанр, ретроспектив сюжет, миллий характер, синхроник таҳлил, диахроник аспект, макон ва замон, тарихийлик, романтик тасвир, адабий алоқалар, адабий таъсир, эпик тасвир, лирик талқин уйғунлиги.

Тадқиқот объекти: Мирмуҳсининг «Зиёд ва Адиба», Ҳусниддин Шариповнинг «Бир савол», Муҳаммад Алининг «Боқий дунё» шеърий романлари.

Ишнинг мақсади: ўзбек реалистик шеърий романлари таҳлили мисолида шеърий романнинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий тараққиёти ва ҳозирги ҳолати бўйича назарий хулосалар баён қилиш.

Тадқиқот методлари: тарихий-қиёсий метод.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- ўзбек адабиётшунослигида илк маротаба шеърий роман мустақил жанр эмас, балки роман жанрининг алоҳида тури эканлиги аниқланди;
- уч асар таҳлили орқали адабиётимизда шеърий романнинг шаклланиш жараёни, тарихий тараққиётидаги етакчи тамойиллари белгиланди;
- шеърий романда эпик тасвир билан лирик талқиннинг уйғунлиги зарурий шарт эканлиги илмий жиҳатдан асосланди.

Амалий аҳамияти: Олий ўқув юртларинг филология факультетлари талабалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун шеърий роман назарияси бўйича семинарлар, махсус курс машғулотлари ўтказиш, “Янги ўзбек адабиёти”, “Адабиёт назарияси” фанлари бўйича дарслик ва қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқотнинг хулоса ва натижалари бўйича илмий-назарий семинарлар ва анжуманларда маърузалар қилинган. Ишнинг асосий мазмуни юзасидан илмий журналларда 12 та мақола нашр этилган.

Қўлланиш соҳаси: адабиётшунослик, адабиёт назарияси.

РЕЗЮМЕ

диссертации Ахроровой Лолы Иминовны на тему: **«Специфика узбекских романов в стихах»** на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.01.08 – Теория литературы

Ключевые слова: роман в стихах, жанр, ретроспективный сюжет, национальный характер, синхронный анализ, диахронический аспект, пространство и время, историчность, романтическое изображение, литературные связи и взаимовлияние, эпическое изображение, гармония лирической интерпретации.

Объекты исследования: роман в стихах «Зияд и Адиба» Мирмухсина, «Один вопрос» Х.Шарипова, «Вечный мир» Мухаммада Али.

Цель работы: раскрытие своеобразных особенностей романа в стихах на примере узбекских реалистических романов, их историческое развитие и составление теоретических выводов по их нынешнему состоянию.

Методы исследования: историко-сопоставительный метод.

Полученные результаты и их новизна:

- впервые в узбекском литературоведении выявлено, что роман в стихах является не самостоятельным жанром, а отдельным видом жанра романа;
- на основе анализа трех произведений определен литературный фактор формирования романов в стихах, намечены приоритетные принципы его исторического развития;
- с научной точки зрения обоснованы обязательные условия соответствия эпического изображения с лирическим толкованием.

Практическая значимость: результаты и материалы исследования могут быть использованы при чтении спецкурсов и проведении семинаров по теории романа в стихах для студентов филологических факультетов высших учебных заведений, учащихся академических лицеев и профессиональных колледжей, создании учебников и пособий по теории литературы.

Степень внедрения и экономическая эффективность: по результатам исследования и их выводам сделаны доклады на научно-практических семинарах и конференциях. В научных журналах опубликовано 12 статей по основной сути работы.

Область применения: литературоведение, теория литературы

RESUME

Thesis of Akhrorova Lola Iminovna
on the scientific degree competition of Doctor of Philosophy
in Philology, specialty 10.01.08 - Theory of literature
on the subject: **“The specificity of a novel written in verse”**

Key words: a novel written in verse (poetic novel), genre, retrospective plot, national character, synchronic analysis, diachronic aspect, space and time, historicity, romantic representation, literary ties and influence of world literature, epic depiction, harmony of lyric interpretation.

Subjects of the research: novels expressed in verse “Ziyad and Adiba” by Mirmukhsin, “The Only Question” by Kh.Sharipov, “Imperishable World” by Mukhammad Ali.

Purpose of work: identifying distinguishing features of a poetic novel by the example of Uzbek realistic poetic novels, interpretation of specific aspects of poetics in novels of this type on the basis of analysis in above-mentioned works.

Methods of the research: comparative and historical analysis.

The received results and their novelty:

- the author has revealed that a novel written in verse is not an independent genre but a special type of the novel genre in Uzbek literary studies for the first time;
- the author has determined the process of shaping and driving principles of evolution of the Uzbek realistic poetic novel in our literature based on the analysis of the three poetic novels;
- the necessity of harmonious lyrical interpretation with epical depiction in the novel written in verse was substantiated from the scientific point of views.

Practical value: the results and materials of the research could be employed in rendering special courses concerning the theory of poetic novels included in curricula of higher educational institutions, lyceums and colleges; in educational supplies and text-books on the theory of literature.

Degree of embed and economic effectivity: the author made several reports at scientific conferences, seminars. There were published 12 articles according to essence of work in scientific journals.

Field of application: literary studies, theory of literature.